



МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли,
Тошкент молия институти “Аудит” кафедраси в.б.доценти, PhD
Тошкент, Ўзбекистон. Email: ochilovfarhod094@gmail.com
ORCID: 0000-0003-2945-5968

IMPROVING THE METHODOLOGICAL BASES OF AUDIT OF LIABILITIES

Ochilov Farxodjon Shavkatjon ugli
PhD, Associate professor of “Audit”department, Tashkent Financial Institute,
Tashkent, Uzbekistan. Email: ochilovfarhod094@gmail.com
ORCID: 0000-0003-2945-5968

JEL Classification: M4, M42

Аннотация: Уибу мақоланинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларининг мажбуриятларини текшириши методологиясини такомиллаштиришига қаратилган назарий қоидалар ва услугий ёндашувлар ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишидир. Шунингдек, мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари аудитини тартибга солувчи стандартларни таҳлил қилиши ва тадқиқ қилиши аудит методологияси тушунчасини асослашига, шунингдек, аудитни методик таъминлашининг моҳияти ва мазмунини аниқлаши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини текширишида аудиторнинг вазифалари ва ахборот манбалари ўртасидаги боғлиқлик илмий асосланган. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантиришининг ҳозирги босқичида хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари миқдорини аниқлаши ва уларни камайтириши бўйича аудиторлик ташкилотларининг аудиторлари томонидан бериладиган тавсия ва маслаҳатларнинг ҳамда аудиторлик хуносаларини шакллантириши методологиясини ишлаб чиқши бўйича фикрлар ёритиб берилган. Мамлакатимиз ҳамда хорижий

олимларнинг уибу мавзуга оид илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиб, турли мулкчилик шаклида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини аудиторлик текширувидан ўтказишда муҳимлик даражаси ва аудиторлик рискининг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда аудиторлик рискини минималлаштириши бўйича тегишили таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Уибу тадқиқот натижалари аудиторлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини текширишида уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириши ва ишларни оптималлаштириши имконини беради. Шу сабабли айни пайтда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида хориж тажрибаларини мамлакатимиз амалиётига жорий қилиши, жумладан, аудитнинг халқаро стандартларини кўллаши бўйича глобал тенденцияларни ўрганишига қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Abstract: The aim of this article is developing theoretical principles and elaborating methodological approaches and practical recommendations to improve the methodology for auditing liabilities of business entities. The article uses the following research methods: induction and deduction, analysis and synthesis, cause and effect relationship, statistical analysis. Analysis and research of relevant scientific

and practical literature, as well as standards which regulate conducting an audit of the financial statements of business entities, allowed to define the concept of audit methodology in general, as well as to determine the nature and content of the methodological support for auditing liabilities of business entities. The relationship between the tasks of the auditor in an audit of liabilities of business entities and sources of information is generalized. Achievements regarding the formation of the methodology for auditing liabilities of business entities at the present stage of development of audit activities in Uzbekistan, in particular, approaches to the definition and assessment of audit risk in connection with the materiality level, are systematized. As a result of the analysis of the scientific papers and domestic and international legislation, the methodology for auditing liabilities of business entities. The aim of this article is developing theoretical principles and elaborating methodological approaches and practical recommendations to improve the methodology for auditing liabilities of business entities. The article uses the following research methods: induction and deduction, analysis and synthesis, cause and effect relationship, statistical analysis. Analysis and research of relevant scientific and practical literature, as well as standards which regulate conducting an audit of the financial statements of business entities, allowed to define the concept of audit methodology in general, as well as to determine the nature and content of the methodological support for auditing liabilities of business entities. The relationship between the tasks of the auditor in an audit of liabilities of business entities and sources of information is generalized. Achievements regarding the formation of the methodology for auditing liabilities of business entities at the present stage of development of audit activities in Uzbekistan, in particular, approaches to the definition and assessment of audit risk in connection with the materiality level, are systematized. As a result of the analysis of

the scientific papers and domestic and international legislation, the methodology for auditing liabilities of business entities

Калим сўзлар: Аудит, хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятлари аудити, аудит методологияси, аудитнинг услугбий таъминоти, аудиторлик риски, аудиторлик рискини баҳолаши.

Keywords: audit, audit of liabilities of business entities, audit methodology, methodological support of audit, audit risk, audit risk assessment.

Кириш. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг замонавий шароитида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланиши бекарор иқтисодий шароитлар ва иқтисодий муносабатларнинг барча даражаларида қарзларнинг ўсиши билан бирга келадиган молиявий-иктисодий инқизозни бартараф этиш фонида содир бўлади. Умуман олганда, мазкур иқтисодий инқизозлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ҳам, иккинчиси тўғрисидаги молиявий маълумотларнинг номукаммаллигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташкири, молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларнинг иқтисодиёт субъектларининг мазкур ахборотларига бўлган ишончининг пасайиши инвесторлар ва кредиторлар томонидан капитал оқимини бевосита хўжалик юритувчи субъектларга киритишларига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири аудиторлик хизматлари ҳамда ишончни таъминловчи топшириқларнинг халқаро стандартларига мувофиқ олиб бораётган аудиторлик текширувларини янада ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш лозим. Шунинг учун аудиторлик текширувларининг назарий асослари, аудиторилк текширувларини ташкил қилиш ва унинг методологиясини доимий



равища тақомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекситон Республикасида аудиторлик хизматларини кўрсатувчи аудиторлик ташкилотлари рақобатбардош бўлиши учун барча халқаро талабларга жавоб бериш керак. Бу жараён айниқса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари манбаларидан бири сифатида қарз капиталидан тўғри фойдаланишни таъминлайдиган янги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бироқ, нобарқарор бизнес шароитида бу капитал эгалари, юқори бошқарув ходимлари ва ҳар қандай молиявий маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлар учун жуда қийин вазифа бўлиб қолмоқда ҳамда аудиторллик ташкилотлари молиявий ҳисоботдан ички ва ташки фойдаланувчилар олдида жавобгардирлар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини аудиторлар томонидан текшириш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари текширишда жуда муҳим ва масъулиятли соҳага айлануб бормоқда, чунки аудиторлар ушбу молиявий ҳисоботларни баҳолаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг барча кредиторлари, шу жумладан тегишли давлат органлари олдида жавобгардирлар. Бироқ, бугунги кунга келиб, текширишнинг ушбу соҳаси учун етарлича ишлаб чиқилмаган назарий асослар, шунингдек, барча халқаро талабларга жавоб берадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари аудити учун тегишли услубий таъсинотнинг етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Материал ва метод. Хорижий олимлар С.М. Бычкова, К.Д. Власюк, Т.О. Герасименко, Э.Б. Герасимова, С.В.Диденко, А.Г. Загороднийлар ўз илмий тадқиқот ишларини хўжалик

юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини текшириш ва айнан аудиторлик рискини баҳолаш масалаларини ўрганишга бағишлаганлар. Мазкур хорижий олимларинг илмий тадқиқот ишларида асосан, хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятлари аудитининг назарий ва услубий асосларини ўрганиш масалалари кўриб чиқилади. Бироқ, ушбу олимлар илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини текширишда аудиторлик рискини аниқлаш ва баҳолаш масалаларини етарлича тўхталиб ўтмаган. Юқорида айтилганларнинг барчasi танланган тадқиқот йўналишининг долзарблигини белгилайди. Мажбуриятлар аудитини методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан дунёнинг етакчи хорижий ва маҳаллий олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни таҳлил қилиш, мавзу юзасидан гурухлаш, монографик кузатув ҳамда иқтисодий таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилади.

Натижалар. Мажбуриятлар аудитини тадқиқ қилишдан асосий мақсад мажбуриятларини текшириш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган услубий ёндашувлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Белгиланган мақсадга эришиш учун “аудит методологияси” тушунчасининг моҳиятини аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятлари аудитини методик жиҳатдан таъминлаш ҳамда мазмунини очиб беришлозим, хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари аудити методологиясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини асослаш, хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятларини текшириш методологиясининг таркибий қисмларида муҳимлик даражасига нисбатан аудиторлик рискини аниқлаш ва баҳолашга замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини текширишда уни минималлаштириш



мақсадида аудиторлик рискини баҳолаш бўйича услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва асослаш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини текшириш методологиясини такомиллаштиришдан олдин масаланинг назарий томонларини ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, аудитнинг самарадорлиги бир қатор тегишли таҳлилий амаллар, услублар ва тартибларни қўллаш орқали таъминланади. Шундай қилиб, аудит соҳаси бўйича мазкур мавзуда илмий тадқиқот ишини олиб борган олимлар фикрича, аудит усули деганда текширилаётган обьектлар баҳо беришда қўлланиладиган методика ва усувлар мажмуи тушунилади. Аудит амалиётида улар аудитнинг умумий ва маҳсус усувларидан (хужжатли, аналитик ва аудит натижаларини умумлаштириш усувларидан) фойдаланадилар. Олинган далиллар турига кўра, хужжатли ва ҳақиқий назорат қилиш усувларига ажратилади, аудитни ташкил этиш услугига кўра - узлуксиз, танлаб ва ёппасига текшириш усувларига бўлинади [1].

Комплекс текшириш пайтида молиявий ҳисоботлари текширилаётган хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги барча мавжуд бошланғич маълумотлар ўрганилади. Аудитнинг даврини камайтириш зарурати, аудиторнинг чекланган вақти, аудитор ишининг юқори нархи танлов усувларининг сезиларли жозибадорлигининг сабаблари ҳисобланади. Танлаш усувларидан фойдаланиш профессионал аудиторга аудитнинг юқори сифатини таъминлаш ва аудит процедуранлари сонини камайтириш имконини беради. Аудиторлик далилларини тўплаш мақсадида аудиторлик танлашни қўллаш бўйича тавсиялар 530-сонли "Аудиторлик танлаш" халқаро стандартидан фойдаланилади [2]. Аудиторлик танлашни қўллашда аудиторнинг мақсади танланган умумий тўплам

бўйича хulosаларни асослаш учун керак.

Аудитор мазкур танлашни амалга оширишда турли методика ва усувларни маълум комбинация ва кетма-кетлиқда қўллаши лозим. Молиявий ҳисоботнинг ишонччилиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларни шакллантириш ва ушбу фикрни аудиторлик хulosаси орқали молиявий ҳисоботлардан ички ва ташки фойдаланувчиларнинг эътиборига етказиши учун молиявий ҳисоботдаги тегишли иқтисодий қўрсаткичларни қайта ишлаш учун аудит усувларини қўллаш тартиби ва кетма-кетлиги аудит методологиясини ташкил қиласди.

Мазмун нуқтаи назаридан услубий таъминот - бу зарур маълумотлар, турли хил услубий мажмуалар, яъни ҳар қандай фаолиятни, хусусан, аудитни амалга ошириш учун зарур ва етарли шартлар тизимиdir.

Аудиторлик фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш - бу аудиторлик текшируви давомида аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, у аудитнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ёки концептуал асосини, аудит технологиясини, самарали моделлардан фойдаланишни, аудит усувларини ва бошқаларни ўз ичига олади.

Мажбуриятлар аудитининг методик таъминланишининг муҳим таркибий қисми аудитнинг концептуал асоси (қонунлар, қарорлар, фармойишлар, халқаро аудит стандартлари, ички аудит стандартлари ва бошқалар) ва мажбуриятларни ҳисобга олишнинг концептуал асослари (қонунлар, қарорлар, қарорлар, қарорлар ва бошқалар) ҳисобланади.

Мажбуриятлар аудитини тизим сифатида методик таъминлашнинг моҳиятини очиб бериш учун мажбуриятлар аудитининг мақсади, предмети, обьектлари ва вазифаларини белгилашни кўриб чиқамиз.

Мажбуриятлар ҳолатини текширишнинг мақсади бир қатор аудиторлик протцедураларини ўтказиш натижасида аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари



тўғрисидаги ахборотлар мажбуриятларни хисобга олишнинг амалдаги концептуал асосларида белгиланган мезонларга мос келишига ишончини таъминлашдан иборат.

Умумий иқтисодий маънода аудитнинг предмети хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти хисобланади. Маҳаллий маънода аудит предмети унинг асосий мақсадини белгилайдиган обьектга боғлиқ. Шундай қилиб, молиявий ҳисбот аудитининг предмети хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботлари ва солик ҳисботи хисобланади.

Хўжалик фаолияти аудитининг предмети (самарадорлик аудити) субъектнинг ёки унинг алоҳида бўлинмаларининг хўжалик фаолияти, фаолият турлари ва бошқарув функциялари хисобланади. Аудит предмети тушунчаси ва унинг мазмунини очиш тизимли ёндашувни талаб қиласди. Фан предмети бўйича умумий позициядан келиб чиқсан ҳолда, аудит предметининг таърифи хўжалик субъектларининг ҳолатини, аудит ва аудиторлик хизматлари соҳасидаги тизимларнинг ахборот ва бошқа хусусиятларини камраб олиши керак деган хуносага келиш мумкин [6].

Аудиторлик фаолияти обьектлари деганда ўрганилаётган тизимнинг алоҳида ва ўзаро боғланган иқтисодий, ташкилий, ахборот ва бошқа функционал шакллари тушунилади, уларнинг ҳолати миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланиши мумкин. Аудит обьектлари


таркиби ва тузилиши, фаолиятнинг турли соҳаларига мансублиги, бошқа белгилари бўйича ҳар хил бўлиши мумкин.

Мажбуриятлар аудитининг вазифалари аудитор олдида турган умумий мақсад, шунингдек, аудиторлик процедуралари амалга оширилаётган ахборот манбалари билан белгиланади.

Аудит технологияси мажбуриятлар аудитини методик таъминлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Умумий маънода техника цивилизациянинг таркибий қисми, яъни жамиятнинг шундай тарихий ўзига хос ҳолати бўлиб, у нафақат маданият, балки моддий, меҳнат ва техника воситалари билан ҳам характерланади.

Классик ёндашувга кўра технология (юонча “techne” — сан’ат, маҳорат ва қайта ишлаш усуллари мажмуи) — ишларни бажариш жараёнида материалларни, маълумотларни қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, турли ишлаб чиқариш операцияларини амалга ошириш, хизматлар кўрсатишда қўлланиладиган усуллар мажмуи [7].

Одатдаги аудиторлик текшируvida корхона фаолиятининг барқарорлигини, самарадорлигини аниклашдан ташқари, мажбуриятларни самарадорлигини баҳолаш жараёнида таҳлилий амаллар доирасидаги молиявий таҳлил ҳам аудиторлик ташкилоти томонидан мижоз корхоналарга кўрсатиладиган қўшимча хизматларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин.



1-расм. Мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот манбаларини ўзаро боғлиқлиги.¹

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



Масалан due diligence фаолиятнинг инвестиция обьекти сифатида намоён бўлишига қаратилган мураккаб амал ҳисобланади. Шундай қилиб, таҳлилий амаллар ёрдамида мажбуриятларни баҳолаш натижасида унинг оптимал қолдиги ва муддатларини аниқлаш натижасида компания томонидан уларни тартибга солиш ва таҳлилини амалга ошириш учун қулай шароит яратилади.

Шу жумлдан мажбуриятларнинг таркибидаги бевосита ва портфель инвесторлар учун инвестиция рискни камайтиришга хизмат қиласидиган доимий фаолият қобилиятини баҳолаш ва мажбуриятларнинг ишончлилигини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини яратади. Мазкур келтирилган расмда хўжалик юритувчи субъектнинг мажбуриятларини текшириш учун мақсад, вазифалар ва ахборот манбаларининг ўзаро боғлиқлиги ёритиб берилган.

Шуни таъкидлаш керакки, хўжалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ва текшириш жараёнида аудиторлик процедуранари бухгалтерия ҳисоби регистрларига нисбатан қўлланилади, чунки ҳисоб регистрларини расмийлаштириша мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқроқ намоён бўлади.

Шунинг учун, мажбуриятлар аудитида ахборот манбалари оператив ҳисоб натижалари, иш юритиши маълумотлари, эксперт хulosалари ва бошқалар бўлиши мумкин. Мажбуриятларни текшириш учун маълумот манбалари аудит топшириқларини бажариш жараёнида тақдим этилган рўйхат билан чекланмайди (1-расм).

Мажбуриятлар аудитини ўтказишида аудитнинг халқаро стандартларига таяниш зарур. Мажбуриятлар ҳолати ва таркиби фаолият узлуксизлигига бевосита таъсир қиласиди. Шу боисдан, мажбуриятлар аудитини ўтказишида "Фаолиятнинг

узлуксизлиги тўғрисидаги фараз" номли 570-сонли АХС талабларини чуқурроқ ўрганиш зарур.

Корхоналар фаолияти узлуксизлигини баҳолаш тартиби "Фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараз" номли 570-сонли АХС билан тартибга солинади. Ҳозирги пайтда халқаро аудит стандартлари корхонанинг банкротлигини башорат қилишнинг мавжуд усуллари ва моделларини қўллаш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олмайди. Корхонанинг узлуксиз фаолиятини давом эттира олмаслигининг сабаби сифатида россиялик олим Н.П.Любушин корхонанинг мажбуриятларини баҳолашнинг меъёрий усулларининг мавжуд эмаслиги, "хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида, корхона раҳбариятининг фаолиятнинг узлуксизлигига таъсир қилувчи таҳдидларни аниқлаш ва уни олдини олишнинг аниқ усулларига эга эмаслиги" деб ҳисоблаган. Ҳозирги вақтда корхоналар фаолиятининг узлуксизлиги иқтисодий таҳлилнинг асосий концепцияси сифатида қуйидагиларни белгилаб беради:

«Иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланиш концепцияси;

Иқтисодий тизимларнинг ҳайтийлик цикли коцепцияси;

Тартибга солувчи ҳисоб концепцияси;

Ижобий бухгалтерия ҳисоби ва шартнома мажбуриятлари концепцияси»[3].

Молиявий таҳлилнинг аҳамияти айнан корхонанинг мажбуриятларини таҳлил қилиш контекстида, фаолият узлуксизлигини баҳолаш тизимининг ажралмас қисми билан изоҳланади. Бу ҳақида А.Д.Шеремет ««Таҳлилий амаллар» номли 520-сонли АХСни таҳлил қилиб шундай ёзади: «фаолиятнинг узлуксизлигини асослаш учун ушбу фаолиятнинг самарадорлигини таҳлил қилиш талаб этилади». Ушбу стандартнинг қўллаш доирасидаги доимий таҳлилий амаллар 12 ойгача бўлган фаолиятнинг

узлуксизлигини башорат қилишни белгиланган муддатда аник баҳолай олмайды, шунинг учун, фаолиятнинг узлуксизлиги тушунчасини фаолиятнинг барқарорлиги тушунчасига алмаштириш лозим»[4].

Шундай қилиб, корхонанинг барқарорлиги таҳлили фаолият узлуксизлигини баҳолашнинг таҳлилий амали бўлиб хизмат қиласди. Корхонанинг мажбуриятларини баҳолаш контекстида ўтказиладиган таҳлилий амаллар аудиторлик хизматлари сифатини ва фаолиятнинг шаффоғлигини ошириши, мижоз корхонага қўшимча қулайлик келтириши мумкин, у молиявий ҳисботнинг тўғрилигини текширишдан ташқари, аудиторлик ташкилотидан корхонанинг барқарорлиги бўйича қўшимча маълумотлар олиш ва аудиторлик ҳисботида акс эттириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 570-сонли АХС фаолиятнинг узлуксизлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар ёки шароитларга мисоллар келтиради. Стандартга биноан, молиявий характердаги ҳодисаларга куйидагилар киради: «соф мажбурият ёки соф жорий мажбурият мавжуд бўлган ҳолат, сўндириш санаси яқинлашаётган, муддати қатъий белгиланган қарзларнинг муддатларини узайтириш ёки уларни қайтариш реал имкониятлари мавжуд бўлмаганда, ёки узоқ муддатли активларни молиялаштириш учун қисқа муддатли қарзлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш, кредиторлардан молиявий ёрдамнинг тўхтатилгани белгилари, салбий асосий молиявий коэффициентлар, дивидендлар бўйича тўловларнинг кечикирилиши ёки тўхтатилиши, кредиторларга тўловларни ўз вақтида амалга оширишга қодир эмаслик, кредит шартномалари шартларини бажаришга қодир эмаслик, мол етказиб берувчилар кредитга сотишдан тўлов моллар етказиб берилганда амалга оширилиши шартига ўтиши»[5].

Мунозара. Мажбуриятлар аудити

технологиясини ишлаб чиқишида аудиторлик текширувининг ҳар бир босқичида кетма-кет амалга ошириладиган хусусан, мажбуриятлар аудити пайтидаги аудитор томонидан амалга ошириладиган хатти-харакатларининг кетма-кетлигини ҳисобга олиш керак. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари бўйича аудиторлик текширувани ўтказишнинг учта асосий босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин, уларнинг ҳар бири хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларда сезиларли бузилишларни аниқлаш жараёнини таъминлайдиган шундай бир қатор вазифаларни ўз ичига олади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини аудиторлик текшируви ўтказища кўлланиладиган усуллар аудиторлик текширувлари, сифат назорати ҳамда ишонч билдирувчи топшириқларнинг халқаро стандартларида белгиланган ташкилий тамойилларга асосланади.

Мажбуриятлар аудитини ўтказища муҳимлик ҳамда аудиторлик риски даражаларини аниқлаш мажбуриятлар аудитини режалаштириш жараёнидан бошлаб ўтказилади. Мажбуриятлар аудитини режалаштириш жараёнидан бошлаб амалга оширилади. Режалаштириш, аудитнинг бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг кутилаётган кўлами, жадвали ва вақтини кўрсатувчи умумий режасини ишлаб чиқиши, шунингдек, аудит кўламини, турлари ва ҳажмини белгилайдиган аудит дастурини ишлаб чиқиши ўз ичига олади. Аудиторлик текширувани режалаштириш мақсади ҳамда вазифаларини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида 2-расмни ишлаб чиқканмиз. Шунингдек, ушбу расмда аудиторлик текшируvida режалаштириш босқичидан сўнг бажариш лозим бўлган амаллар (муҳимлик даражасини аниқлаш, ички назорат тизимини баҳолаш, аудиторлик рискини аниқлаш ҳамда аудиторлик танлаш)ни ҳам акс эттирилган (2-расм).

Аудитнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш		
Аудитнинг мақсади	Аудитнинг мақсадлари	
молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва баҳоланадиган мажбуриятларнинг тан олиниши ва шаклланиши тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобининг тўғрилиги тўғрисида аудитор хулосасини бериш.	бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг тўғрилигини текшириш	белигланган меъёрий-хуқуқий хужжатларга риоя қилинаётганлиги ни текшириш
1) Қисқа муддатли мажбуриятлар; 2) Узок муддатли мажбуриятлар.		Xўжалик операциялари ни таҳлил қилиш
Мухимлик даражасини аниқлаш		
танланган базавий қийматларнинг маълум улушларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўртacha қиймати	Молиявий ҳисоботнинг асосий қийматида айрим кўрсаткичларнинг ўртacha (муҳимлигига кўра) қийматининг улуши	молиявий ҳисоботнинг маълум энг муҳим бир қисми
Ички назорат тизимиши ўрганиш ва баҳо бериш, аудиторлик рискини аниқлаш ва аудиторлик танлашни ўтказиш		
Мизож корхона ички назорат муҳитини ўрганиш ва баҳолаш	Аудиторлик рискини аниқлаш	Аудиторлик танлашни ўтказиш
- назоарт муҳитини аниқлаш; - ахборот тизимиши баҳолаш; - ички назорат тизимиши баҳолаш	- мультиплекати в модель; - аддитив модель	- тасодифий танлаш танлашнинг баҳоланган усуслари; - хатолар экстраполяцияси усули
Аудит режаси ва дастурини ишлаб чиқиши		

2-расм. Мажбуриятлар аудитининг дастурини тузиш кетма-кетлиги²

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



Мажбуриятлар аудити давомида аудиторлик текширувани мұхимлиқ ва аудиторлик рискини баҳолаш асосларини ўрганиш натижасыда аудиторлик умумий аудиторлик текширувани назорат қилиш зарурати түғрисида хulosса чиқарылди, бу эса ўз навбатида, тадбиркорлық рискини олдини олишга ёки унинг даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Хulosса. Бизнинг фикримизча мажбуриятларни аудиторлик текширувларининг ахборот манбалари сифатида қуйидагиларни күрсатыб ўтиш мақсадға мувофиқ бўлади:

- бошланғич ҳужжатлар, шу жумладан: кредит шартномалари, олдисотди шартномалари, тўлов топшириқномалари, счёт-фактуралар, тушумлар ва харажатлар касса буюртмалари, ўзаро солиштирма ведомостлар, инвентаризация ёзувлари, материалларни қабул қилиш далолатномалари.
- мажбуриятлар бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрларидағи

ахборот манбалари;

- ҳисоб сиёсати бўйруғи, ички аудит ҳисоботи, молиявий ҳисоботлар - "Бухгалтерия баланси", "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот", "Молиявий ҳисоботга изоҳ ва тушунтиришлар" шаклларидағи ахборотлар, олдинги аудиторлик текшируви натижалари.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятларини текширишда аудиторнинг вазифалари ва ахборот манбалари ўртасидаги боғлиқлик умумлаштирилди. Ушбу боғлиқликларни назарий жиҳатдан асослаш хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари аудитини ўтказиши методологиясини такомиллаштириш имконини берди. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан мустақил аудиторлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ички аудиторларининг амалий фаолиятида фойдаланиш имкониятларини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Герасимова Е.Б., Мельник М.В. Основы аудита : Учеб. пособие. М.: Форум, 2010. 224 с.
2. Любушин Н.П. Анализ финансового состояния организаций: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2007. – 256 с.
3. Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. М.: ИНФРА-М, 1999. -250 с.
4. Yakimova Vlена. Digitalization of Information Processes of Auditing. "Аудитор" научно-практический журнал. Октябрь 2019. № 10 (295).
5. Литнева Н.О. Забезпечення аудиту зобов'язань : автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.09. Київ, 2014. 18 с.
6. Ochilov F.Sh. Kuziev I.N. Avazov I.R. Customer Accounts Creation By Means Of Foreign Experience. // Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). – Volume 12, Issue 7, July 2021: 4594- 4600.
7. Ochilov F.SH. Improving the Conduct of Compulsory Auditing on the Basis of International Auditing Standards. // International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD). – Volume 5 Issue 6, September-October 2021 Available Online: www.ijtsrd.com e-ISSN: 2456 – 6470
8. www.ifac.org
9. www.lex.uz
10. www.mf.uz